

ГИПОКИНЕЗИЯ ҲОЛАТИНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ ВА ОДАМ ОРГАНИЗМИГА УМУМИЙ ТАЪСИРИ

Думаева Зухра Насирдиновна

Андижон давлат университети доценти

Думаева Муаттархон Шермухаммад қизи

Андижон давлат университети ўқитувчиси

Аннотация

Гипокинезия (*ҳаракат фаоллигининг сусайиши*) организмда турли хил органлар тўқима ҳужайраларида патологик морфо–функционал ўзгаришларни келтириб чиқариши қайд қилинади. Бунда скелет мускулларининг функционал фаоллиги чекланиши таъсирида гипокинетик синдром ривожланади.

Калит сўзлар: гипокинезия, жисмоний ҳаракатлар, организм, касаллик, стресс

Annotation

Hypokinesia (slowing of movement activity) is noted pathological Morpho–functional changes in tissue cells of various organs in the body. Under the influence of restriction of functional activity of the skeletal muscles of the thigh, hypokinetic syndrome develops.

Key words: hypokinesia, physical exertion, organism, disease, stress

Гипокинезия (грек тилида – *ὕπό* – *пастга*, *κίνησις* – *ҳаракатланиш*) – бу, жисмоний ҳаракатлар ҳажми ва темпи чекланиши таъсирида организмнинг ҳаракат фаоллиги сусайиши ҳисобланади. Гипокинезия одам организмда асаб тизими касалликлари (Паркинсон, Альцгеймер), шунингдек кам ҳаракатли турмуш тарзи билан боғлиқ касбий фаолият (дастурчи, оператор, ҳисобчи ва бошқ.) шароитида келиб чиқиши мумкин. Ушбу асосда, гипокинезия физиологик, маиший турмуш шароитларига боғлиқ, касбий фаолиятга боғлиқ, клиник, иқлим–географик ва мактаб ўқувчиларида келиб чиқувчи турларга синифланади. Айниқса, мактаб ўқувчиларида гипокинезия ақлий ривожланишнинг сусайишига олиб келиши қайд қилинади [3].

Гипокинезия (*ҳаракат фаоллигининг сусайиши*) организмда турли хил органлар тўқима ҳужайраларида патологик морфо–функционал ўзгаришларни келтириб чиқариши қайд қилинади [2, 5, 6]. Бунда скелет мускулларининг функционал фаоллиги чекланиши таъсирида гипокинетик синдром ривожланади [6, 7].

Гипокинезия таъсирида организмда моддалар алмашинуви, нафас олиш тизими, қон айланиш тизими, эндокрин тизим функциясида сезиларли дисфункционал ўзгаришлар юзага келиши, буйракларда K^+ ва Ca^{2+} ионлари циркуляцияси

бузилиши аниқланган. Гипокинезия стресс омил ҳисобланади. Илмий–техник тараққиёт даврида кишилиқ жамиятида умумий жисмоний фаоллик даражасининг сусайиши, асаб тизими зўриқиши билан боғлиқ касалликлар ривожланиши, шунингдек айрим касалликларда узок вақт давомийлигида ётиб даволаниш фониди турли хил касалликлар патогенези ривожланиши ва муддатидан олдин қариш жараёни фаоллашиши қайд қилиниб, ўз навбатида гипокинезия долзарб тиббий–биологик муаммолардан бирига айланиши кузатилмоқда.

Организмда жисмоний фаолликнинг сусайиши гипокинезия давомийлигига боғлиқ ҳолатда, бевосита скелет мускулларининг массаси камайиши, биоэнергетик жараёнлар издан чиқиши ҳамда турли хил тўқима хужайраларида оксиллар биосинтези сусайишига олиб келади.

Жумладан, нисбатан узок вақт давомийлигидаги гипокинезия таъсирида организмда моддалар алмашинуви регуляцияси издан чиқиши, электролитлар алмашинуви бузилиши, скелет мускулларида атрофия ва остеопения ривожланиши қайд қилинади [5]. Шунингдек, гипокинезия таъсирида организмда вегетатив–висцераль функциялар, жумладан юрак–қон томир тизимининг нейрогуморал регуляция механизми дисфункцияси қайд қилинади [4]. Гипокинезия иссиққонли ҳайвонлар ва одам организмиди стресс омил сифатида таъсир кўрсатиши мумкин [1, 5, 7]. Замонавий турмуш тарзида барча физиологик ёш гуруҳларида умумий ҳолатда жисмоний фаоллик даражасининг кескин сусайиши ва гипокинезия билан боғлиқ жиддий тиббий–ижтимоий муаммо юзага келиши қайд қилинади, ўз навбатида гипокинезия механизмига тўлиқ ойдинлик киритиш ва унинг олдин олишга йўналтирилган чора–тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш долзарб масала ҳисобланади [3].

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Григорьев А.И., Козловская И.Б., Шенкман Б.С. Роль опорной афферентации в организации тонической мышечной системы // Рос. физиол. журн. им И.М.Сеченова. – 2004. – №90(5). – С.508–521.
2. Долганова Т.И., Лунева С.Н., Колчерина В.В., Ткачук Е.А., Романенко С.А., Гасанова А.Г. Функциональное состояние и обмен основных электролитов у человека при гипокинезии (обзор литературы) // Современные наукоемкие технологии. – 2008. – №11. – С.6-10.
3. Журавлева Н.Г. Функциональная активность головного мозга и процессы обучения и памяти при хронической гипокинезии // Автореферат дисс. ... к.б.н. (03.00.13–физиология человека и животных). – Москва, 1984. – С.4–21.

4. Зарипова Р.И. Изменение содержания оксида азота в тканях крыс при гипокинезии различной длительности // Автореферат дисс. ... к.б.н. (03.03.01–физиология). – Казань, 2002. – С.4–19.
5. Козловская И.Б., Киренская А.В. Механизмы нарушений характеристик точностных движений при длительной гипокинезии // Рос. физиол. журнал им. И.М. Сеченова. – 2003. – Т.89. – №3. – С.247–258.
6. Ткаченко А.В. Метаболические процессы в сердце и печени крыс при экспериментальной гипокинезии и их коррекция фитосиропом «Валеотон» // Вісник Харківського національного університету імені В.Н.Каразіна. Серія: біологія. – 2011. – Вып.14. – №971. – С.177–184.
7. DUMAЕVA, Z. N., OLIMOVA, M. S. Q., DUMAЕVA, M. S. Q., & KURANOVA, S. S. (2022). Effect of rat liver tissue (a amylase) the effect of hypokinesis on amylolitical activity. *THEORETICAL & APPLIED SCIENCE* Учредители: Теоретическая и прикладная наука,(4), 746-749.